

СТАНЦИОН ЛИНИЯЛАР СИНОВИДАГИ ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИНГ ТЕЗПИШАР, СЕРҲОСИЛ, КАСАЛЛИК ВА ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ЧИДАМЛИ, ТОЛА СИФАТИГА ЧИДАМЛИ ЯНГИ НАВИНИ ЯРАТИШ

Авлиякулов Нурали Эранкулович,

Ингичка толали пахтачилик илмий-тадқиқот институти амалий молекуляр генетика лаборатория мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим.

Аннотация. Ушбу мақолада станцион линиялар синовидаги ингичка толали Л-302, Л-430 сентябрь ҳосили 30,0-30,6 ц/га ёки андоза 9871-И, Термиз-24 навларига нисбатан 8,6-73,8 % қўшимча ҳосил тўғрисидаги лабораторик тадқиқотлар ёритилган.

Калим сўзлар: Станцион линиялар, ингичка толали Л-302, Л-430, Термиз-24 навлари, ғўзанинг ингичка ва ўрта толали янги нав ва намуналар, фенологик кузатувлар.

Аннотация. В статье описаны лабораторные исследования по изучению урожайности тонковолокнистых сортов Л-302, Л-430 в сентябре в опыте станции Линес, которая составила 30,0-30,6 ц/га или 8,6-73,8% дополнительной урожайности по сравнению с сортами Цика 9871-И, Термиз 24.

Ключевые слова: Станционные линии, тонковолокнистые сорта Л-302, Л-430, Термиз-24, новые тонковолокнистые и средневолокнистые сорта и образцы хлопчатника, фенологические наблюдения.

Abstract. The article describes laboratory studies on the yield of fine-fiber varieties L-302, L-430 in September in the experiment of the Lines station, which amounted to 30.0-30.6 c/ha or 8.6-73.8% additional yield compared to the varieties Tsika 9871-I, Termiz 24.

Keywords: Station lines, fine-fiber varieties L-302, L-430, Termiz 24, new fine-fiber and medium-fiber varieties and samples of cotton, phenological observations.

Кириш. Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги таркибий жиҳатдан ўзгараётган бўлса-да, юқори сифатли калава ип ишлаб чиқаришга мўлжалланган ўрта толали ғўза навлари билан бир қаторда ўта узун-майин, ингичка толали пахта етиштиришга тўқимачилик саноати томонидан талаб кучайганлигини ҳисобга олиб, вилоят пахтачилигига яна ўта узун тола берувчи ингичка толали ғўза навлари жойлаштирилиши йўлга қўйилди.

Пахта ҳосилини ошириш ва саноатни юқори сифатли маҳсулот билан таъминлаш кўп жиҳатдан ғўза навларининг ўзига хос хусусиятларини яхши билишга, уларнинг талабига мос келадиган ташқи муҳитдан ҳамда агротехник факторлардан оқилона фойдаланишга уруғнинг сифатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам уруғлик чигитлар фақат апробация қилинган, соғлом, серҳосил ва кўсаклари барвақт пишиб етиладиган ўсимликлардан териб олиниши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Республиканинг жанубий вилояти тупроқ-иқлим шароитига мос келадиган тезпишар, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, толаси сифатли, жаҳон бозор талабларига жавоб берадиган ингичка ва ўрта толали янги навлар яратиш - тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Материаллар ва услублар. Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида олиб борилди. “Давлат нав синови” (1971), «Методы селекции хлопчатника» (1967) “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007) ва “Уруғлик чигит етиштириш бўйича Ўзбекистон Давлат стандарти” (2005) услубларидан фойдаланилди.

Республикаимиз турли тупроқ-иқлим шароитлари бир-биридан фарқ қилиб, ҳар бир минтақага мос янги ғўза навлари

яратиш талаб этилади. Жумладан Республикаимизнинг жанубий вилояти Сурхондарёда туманлари ўзининг иқлим шароити билан фарқланади. Сурхондарё вилоятининг жанубий туманларида ғўзанинг ривожланиши шимолий туманларга қараганда ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати 5-7 даража юқори бўлади. (Автономов, 1973).

З.Бекчанов, Ш.Э.Номозов, А.Муродов, Г.Холмуродова (2007) мураккаб чатиштириш орқали тола сифатини белгилувчи асосий кўрсаткичлар тола узунлиги, майинлиги ва узилиш узунлигини оддий дурагайлашга нисбатан мураккаб дурагайларнинг F_1 авлодида кескин яхшилаш мумкин. Бунинг учун мураккаб дурагайларнинг F_1 авлодидан бошлаб танлаш ишларини олиб бориш зарур деб ҳисоблайди.

М.Б.Холиқова, Ж.К.Умаровалар (2007) такидлашича, ғўзанинг ўрганилган турлараро дурагайларида бир қатор хўжалик белгилари ва зараркунандаларга бардошлик ўртасида, шунингдек, бардошликни таъминловчи белгилар ўртасида ижобий боғлиқлик мавжуд бўлиб, бу борада селекция ишларини олиб бориш юқори самара беради.

С.Раҳмонқулов (2007) дала шароитида яқка ўсимликларни танлаш билан бир вақтда қимматли хўжалик белгиларини ҳисобга олган ҳолда тола чиқими ва чигитини катталигига қараб, юқори мойлиларини ажратиб олиш селекциячи олимлар учун муҳимдир деган фикрни билдирган.

Х.Болтабоев, Т.Каримов (2008) коллекция ва селекцион материаллар билан ишлаш келгусида янги навлар яратиш учун қимматли хўжалик ва сифат белгиларига эга бўлган бошланғич шакллари яратишга асос бўла олади деб ҳисоблайди.

Натижалар ва мунозара. Уруғлик дурагайлар кўчатзорини

1-жадвал.

Ингичка толали станцион линиялар кўчат қалинлиги, 50% гуллаши ва пишиши

№	Нав ва линиялар	Кўчат қалинлиги, минг/га	50% гуллаши, кун	50% пишиши, кун	Андоза навларга нисбатан	
					9871-И	Т-24
1	9871-И	76,8	62	121	-	5
2	Термиз 24	80.2	59	116	5	-
3	Л-430	82.0	58	115	6	1
4	Л-302	81.4	58	116	5	-

2-жадвал.

Станцион нав синовидаги ингичка толали линияларнинг биометрик кўрсаткичлари

№	Ўза навлари	Ўсимлик бўйи, см	Биринчи ҳосил шохининг чиқарган бўғини	Ҳосил бўғинлари, дона	Ҳосил элементлари, дона	Кўсақлар сони, дона	Очилгани, дона
1	9871-И	69,8	2,9	12,1	15,4	3,5	0,5
2	Термиз-24	102.4	3,0	16,0	17,8	5,0	1,0
3	Л-430	100.2	3,0	17,2	16,9	7,1	2,1
4	Л-302	103.8	3,1	18,0	19,6	6,8	1,7

3-жадвал.

Станцион нав синовидан ингичка толали линияларнинг бир кўсақ вазни, сентябрь ойи ва совуқ тушгунча терилган пахта ҳосили, 1000 дона чигит вазни

№	Нав ва линиялар	Бир кўсақ вазни, гр	Сентябрь ойи ҳосили, ц/га	Андоза навларга нисбатан фарқи, % ҳисобида		Совуқ тушгунча ҳосил, ц/га	1000 дона чигит вазни, гр
				9871-И	Т-24		
1	9871-И	2,8	17,6	100	62,6	28,4	145
2	Термиз-24	3,1	27,6	156,8	100	36,5	145
3	Л-430	3,1	30,0	170,4	108,6	38,2	139
4	Л-302	3,0	30,6	173,8	110,8	38,5	144

станцион синовидаги линиялар ва истиқболли навлар ташкил қилади. Тажриба даласи тўрт қайтариқли бир ярусда 60x10x1-2 тизимда, 2 қаторли қўлда экилиб, ҳисоб майдони 20,0 м² ташкил қилади. Тажриба даласидаги ингичка толали станцион синовидаги линияларнинг кўчат қалинлиги 76.8-82.0 минг туп/га тупни ташкил этди (1-жадвал).

Тадқиқотда ўзанинг 50% пишиш тезлиги кузатишганда натижаларга кўра, ингичка толали ўзани 50% пишиш тезлиги бўйича энг эртапишар линия Л-430 бўлиб 115 кунни ёки андоза 9871-И, Т-24 навларига нисбатан 1-6 кун эртапишарлигини намоён қилди.

Станцион нав синовидаги линияларнинг ўсув даври охиридаги биометрик кўрсаткичларини аниқлаш учун фенологик кузатувлар ўтказилди (4.8.2-жадвал). Ўзанинг бўйи линия ва навлар бўйича ингичка толали ўзаларда жорий йилда 69,8-103,8 см, эканлиги аниқланди.

Ўрганилган линияларнинг биринчи ҳосил шох бўйича қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин. Ингичка толали ўзаларда бу кўрсаткич 2.9-3.1 бўғинни ташкил этди. Ҳосил элементлари сони 12.1-18.0 дона, кўсақлар сони 4.0-9.2 дона, шундан очилгани 0.5-2.1 дона бўлди. Ҳосил тўплаш бўйича Л-430 кўсақларнинг очилиши бўйича Л-430, Л-302 линияларида энг юқори натижаларга эришилди.

Нав ва линияларнинг бир кўсақдаги пахта вазни 2,8-3,1 гр, сентябрь ойи ва совуқ тушгунча ҳосилнинг энг кўпи Л-430, Л-302 линияларида кузатилиб, сентябрь ойи ҳосили 30.0-30.6 ц/га, совуқ тушгунча терилган ҳосил 38,2-38.5 ц/га ни ташкил этди (2-жадвал). Умумий ҳосилдорлик ҳисоблаганда Л-430, Л-302 40,2-40.8 ц/га ёки андоза навларга нисбатан 7,2-32,8 % кўшимча ҳосил олинди.

Тола чиқими кўрсаткичлари ингичка толали навлардан андоза 9871-И 29,2 %, андоза Термиз 24 32,0%, ва Л-430 34,0%, Л-302 32,4% ни намоён қилди. Тадқиқотларда энг юқори кўрсаткичларни намоён қилган линияларнинг тола сифати тўлиқ таҳлил этилгандан кейин 2025 йилдан конкурс нав синови даласига ўтказилиши режалаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, станцион нав ва линиялар синовидаги ингичка толали линиялардан Л-430 пишиш тезлиги 115 кун андоза 9871-И, Термиз-24 навларига нисбатан 1-6 кун тезпишарлиги аниқланди. Конкурс нав синовидаги навларнинг 50 % пишиш тезлигини ҳисоблаганимизда Термиз-57 навида 115 кун ёки андоза 9871-И, Термиз-31 навларига нисбатан 1-7 кун эртапишар. Станцион линиялар синовидаги ингичка толали Л-302, Л-430 сентябрь ҳосили 30,0-30,6 ц/га ёки андоза 9871-И, Термиз-24 навларига нисбатан 8.6-73.8 % кўшимча ҳосил олинди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Авлиёкулов Н.Э., Авлиёкулов А.Э. «Истиқболли селекцион линияларни ўрганиш». Тошкент, 2008 й, 417-419-б.
2. Автономов А.А. «Ингичка толали ғўзанинг селекцияси». Фан нашриёти Тошкент, 1973 й.
3. С.Одилов, С.М. Набиев, Г.Д. Аллаберганов (2013) “Ѓўза навлари таркибидаги дивергенция, конвергенция ва интеграция популяцион гомеостаз такомиллашувини тезлаштиради”. Ѓўза ва ғўза мажмуидаги экинларни парваришлаш агротехнологияларини такомиллаштириш”. Республика илмий-амалий анжумани маърузалари. 2013 й. 361-366-б.
4. Сайдалиев Х. Холиқова М. Б. (2014) “Ўзбекистон пахтачилигини ривожлантириш истиқболлари”. Ѓўза генофонди-селекцион генетик изланишлар учун ноёб манба. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 2014 йил. 3-12-б.